
"Оғир ҳудуд"ларнинг яна бирида меҳнат ярмаркаси ва сайёр қабул ташкилланди

Аввал хабар берилганидек, маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, оиласарни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика ишчи гурӯҳи томонидан ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Ушбу ўрганишлар асосан оғир ҳудуд деб топилган "Фаллакор", "Эски", "Жангкетмон", "Беш оға" маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилмоқда.

Олиб борилаётган ишларнинг узвий давоми сифатида бугун "Эски" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ҳамда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш каби амалий ишлар олиб борилди.

Ўтказилган сайёр қабул давомида 60 дан зиёд фуқаролар иштирок этган бўлса, 42 та мурожаат рўйхатга олинди. Шу куннинг ўзида 7 та турли йўналишдаги мурожаатлар ижобий ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб этиладилган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, назоратга олинди. Меҳнат ярмаркаси давомида 10 дан зиёд аҳоли вакилларини бандлигини таъминлашга эришилди.

2024-01-25 10:46:02